


Австралидаги Ислом музейи



16:30 / 12.02.2021 1241

Австралия Ислом музейи Мелбурнда ноёб ва замонавий меъморчилиги билан машҳур бўлиб, кўплаб сайёҳларни жалб қилишга муваффақ бўлган.



Ушбу музей мамлакатнинг Мелбурн шаҳридаги Тернбери худудидаги маҳаллий музейлардан ҳисобланади. Музей 2010 йил илк мартаба нотижорат фонд томонидан 10 миллион долларга лойиҳалаштирилган.



Австралия ҳукумати мусулмонлар томонидан молиялаштириладиган музей ҳаражатларини 20 фоизигача тўлаган.

Австралия Ислом музейида меҳмонларни Ислом маданияти ва цивилизациясининг турли жиҳатлари билан таништирадиган бир неча галереялар мавжуд.



Ушбу музейнинг бир қисмида ташриф буюрувчиларга намоз ва рўза ибодатларининг асослари, жиҳод, шариат каби атамаларнинг асл мазмуни ўргатилади Шунингдек, музейга ўрнатилган минорадан azon овози эшитилади.

Музейнинг меъморий галереясида дунёдаги ноёб исломий буюмлар ва бинолар ҳам бор.



Бундан ташқари Исломий эътиқодлар галереясида зиёратчиларга Ҳаж ва Каъба ҳақида маълумот берилади.

Хуршид Маъруф тайёрлади